

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

29 декабрь 2017 й.г.

№ 1033

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Аҳолига кундалик ҳаётда истеъмол қилиш учун сотиладиган
суюлтирилган газнинг республика бўйича ягона чакана нархини
босқичма-босқич жорий этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта бозорини либераллаштириш шароитида иқтисодиётнинг базавий тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 4 сентябрдаги ПК-3253 – сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, аҳолига суюлтирилган газ сотиш ва етказиб беришда ўғирлик ва суиистеъмолликнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. “Ўзтрансгаз” АЖ ва/ёки унинг газ таъминоти бўйича ҳудудий филиаллари орқали аҳолига кундалик ҳаётда истеъмол қилиш учун 1 килограмм суюлтирилган газ:

2018 йил 1 апрелдан қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда 1-иловага мувофиқ нархларда;

2018 йил 1 августдан қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда 2-иловага мувофиқ ягона чакана нархда сотилиши белгилаб қўйилсин.

2. Аҳолига кундалик ҳаётда истеъмол қилиш учун 1 килограмм суюлтирилган газнинг чакана нархи Ўзбекистон Республикаси аҳолисига сотиладиган табиий газ нархининг ўзгаришига мутаносиб равишда ўзгариши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси мазкур қарор билан белгиланган ягона чакана нарх, шунингдек аҳолига кундалик ҳаётда истеъмол қилиш учун “Ўзтрансгаз” АЖ ва/ёки унинг газ таъминоти бўйича ҳудудий филиаллари орқали сотиладиган суюлтирилган газнинг ажратилган ҳажмлар доирасида етказиб берилиши ва тақсимланишининг тизимли назоратини таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раиси А.С. Султанов ва “Ўзтрансгаз” АЖ бошқаруви раиси А.С. Мустафаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 29 декабрдаги
1033-сон қарорига
1-илова

**2018 йил 1 апрелдан республика ҳудудлари кесимида
аҳолига суюлтирилган газни сотиш нархлари**

№	Ҳудудлар номи	Нархлар (ҚҚС билан бирга), сўм / кг
1	Қорақалпоғистон Республикаси	720,0
2	Андижон вилояти	700,0
3	Бухоро вилояти	500,0
4	Жиззах вилояти	500,0
5	Қашқадарё вилояти	500,0
6	Навоий вилояти	500,0
7	Наманган вилояти	700,0
8	Самарқанд вилояти	500,0
9	Сурхондарё вилояти	500,0
10	Сирдарё вилояти	500,0
11	Тошкент вилояти	700,0
12	Фарғона вилояти	700,0
13	Хоразм вилояти	720,0

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 29 декабрдаги
1033-сон қарорига
2-илова

**2018 йил 1 августдан республика ҳудудлари кесимида
аҳолига суюлтирилган газни сотишнинг ягона чакана нархи**

№	Ҳудудлар номи	Нархлар (ҚҚС билан бирга), сўм / кг
1	Қорақалпоғистон Республикаси	800,0
2	Андижон вилояти	800,0
3	Бухоро вилояти	800,0
4	Жиззах вилояти	800,0
5	Қашқадарё вилояти	800,0
6	Навоий вилояти	800,0
7	Наманган вилояти	800,0
8	Самарқанд вилояти	800,0
9	Сурхондарё вилояти	800,0
10	Сирдарё вилояти	800,0
11	Тошкент вилояти	800,0
12	Фарғона вилояти	800,0
13	Хоразм вилояти	800,0